

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МИРЗОҲИДОВА ЛАЙЛО БАХТИЁРОВА

**XI-XII АСРЛАР ТУРКИЙ АДАБИЁТИДА МАЖОЗИЙ ТАСВИР
БАДИИЯТИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Fil532 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида samdu.uz ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Салохий Дилором
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қудратуллаев Ҳасан Самадович
филология фанлари доктори, профессор

Тўхлиев Боқижон
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи илмий муассаса:

Ўзбекистон Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети Бош бино, 1-қават, анжуманлар зали (105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ кун тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси).

М.Қ.Муҳиддинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

А.Б.Пардаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

У.С.Санақулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида турли халқларнинг адабий ёдгорликларидан кенг ўрин олган рамзий-мажозий образлар, тасвирлар тизимини тадқиқ этиш бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Антик давр адабиётидан бошлаб мақсад ва ғояни рамз ва тимсоллар воситасида бадиий тасвирлаш усуллари кенг ривожланиб келганлиги илмий адабиётларда таъкидланган. Шу нуқтаи назардан, барча даврларда адабиётдаги рамзий-мажозий тасвир ва унинг шаклий хилларини таҳлил этиш ҳамда уларнинг бадиий асарлардаги образлар ва тимсоллар тизимини яратишдаги ўрнини аниқлаш ҳамда илмий ёндашувлар асосида иш олиб бориш мазкур соҳа ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Дунё адабиётшунослигида мажозий тасвир поэтикаси, мажозийликни ҳосил қилувчи воситалар, рамз, мажоз орқали ифодаланган фикрлар таҳлили, ранг тасвири, қуш ва ҳайвонлар тасвири, табиат воқеа-ҳодисалари ва осмон жисмлари воситасида ифодаланган рамзий-мажозий талқинлар бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда замонавий дунё адабиётшунослиги умумхалқ мулкига айланган, одилна давлат бошқаруви, одоб-ахлоқ, юксак ижтимоий-фалсафий ғоялар бетакрор рамз ва тимсоллар орқали илгари сурилган дурдона асарларни жаҳон фанидаги энг янги илмий тамойиллар ва мезонлар асосида мукамал ўрганиш вазифасини қўймоқда. Шу нуқтаи назардан, мумтоз манбаларда қўлланилган рамз ва тимсолларни бугунги кун талаблари асосида тадқиқ этиш жаҳон адабиётшунослиги олдидаги ечимини кутаётган долзарб масалалардан бири бўлиб турибди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда мумтоз туркий шеърят услуби тараққиёти тарихини тадқиқ этиш борасида жиддий ютуқларга эришилди. Бинобарин, туркий поэзия тарихининг илк адабий-эстетик қатлами бўлмиш XI-XII асрлар бадиий тафаккури акс этган «Девону луғотит турк», «Қутадғу билиг», «Ҳибатул ҳақойиқ» каби нодир манбалардаги мажозий тасвирларни ҳолисона илмий тадқиқ этиш зарурати фанимиз олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Зеро, “адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу, аввало, халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор эканини, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ”¹. Ўтмиш маданий мерос тадқиқи бугунги глобаллашув жараёнида ёш авлодни ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялашда алоҳида аҳамиятга эга. Бу жиҳатдан бадиий адабиёт, айниқса, ўтмиш бадиий ёдгорликларининг ўрни муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари

¹Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // "Халқ сўзи", 2017 йил, 4 август.

тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги 571-сон “Самарқанд давлат университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бадиий адабиётда мажозийлик муаммосини ўрганиш адабиётшуносликнинг ҳамма даврлари учун долзарб масалаларидан бири ҳисобланган. Мумтоз адабиётшунослигимизга доир монографияларда, рисолаларда, адабиётшуносликка оид луғатларда, дарслик ва қўлланмаларда, академик илмий нашрларда¹ мажоз ва унинг хиллари ҳақида эътиборли фикрлар баён қилинган. Рус адабиётшунослигида мажозий шакллар, белгилар ва сўзларнинг маъносини изоҳлайдиган китоблар нашр этилган².

Адабиётшунослигимизда мажознинг назарий асослари таҳлил этилган махсус рисолалар ҳам яратилган³. Демак, мажозий тасвирнинг назарий масалалари тўғрисида маълум даражада фикрлар билдирилган.

XI-XII асрлар туркий адабиётнинг нодир манбалари бўлган «Девону луғотит турк», «Қутадғу билиг», «Ҳибатул ҳақойиқ» каби асарлардаги мажозий тасвирлар яхлит бир тадқиқот сифатида ўрганилган эмас. Аммо ушбу мавзу юзасидан И.В.Стеблева, Б.Тўхлиев, А.Абдурахмонов⁴ ва бошқа—

¹Атоуллох Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойъ. Аруз вази ва бадиий воситалар тўғрисида. – Тошкент: Ғ. Ғулом, 1981. – Б. 212-221; Т. Зеҳни. Санъати суҳан. Илми бадеъ ва мухтасари арӯз. – Душанбе: Ирфон, 1967. – С. 27-120; Муҳаммад Ғиёсиддин. Ғиёсул луғот. Иборат аз се чилд. Чилд I. Алиф-Шин. – Душанбе: Адиб, 1987. – С. 480. Муҳаммад Ғиёсиддин. Ғиёсул луғот. Иборат аз се чилд. Чилд II. Сод-Ё. 1988. – С. 416. Фарҳанги забони тоҷики (аз асри X то ибтидои асри XX), иборат аз ду чилд. Дар зери таҳрири М.Ш.Шукуров, В.А.Капранов, Р.Хошим, Н.А.Маъсумий. – Москва: Энциклопедия. 1969. – С. 952; Ҳомидий Х., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Тошкент. Ўқитувчи. 1967. – Б. 299. Хотамов Н.Т. Адабиётшуносликдан қисқача русча-ўзбекча терминологик луғат. – Тошкент. Ўқитувчи. 1969. – Б. 214. Хотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент. Ўқитувчи. 1979. – Б. 279; Шукуров Н., Хотамов Н., Холматов Ш., Маҳмудов М. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984.– Б. 134-139. Xudoyberdiyev E. Adabiyotshunoslikka kirish. – Toshkent: Iqtisod-moliya, 2007. – B. 106-129. Бобоев Т. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 2004.– Б. 323-354; Адабиёт назарияси. II томлик. I том. Адабий асар. – Тошкент: Фан, 1979. Қаранг: Мажозий образ яратиш воситалари. – Б. 138-152.

²Шейнина Е.Я. Энциклопедия символов. – Москва: Торсинг, 2006. – С. 591; Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. – Тошкент: Фан, 1977. – Б. 145.

³ Шаропов А. Оламлар ичра оламлар. Рисола. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978; Жумаева С. Рақам, маъно ва тасвир. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005.

⁴ Стеблева И.В. Поэтика. «Қутадғу билиг»//Советская тюркология. 1970. –№4. – С. 94-100. Поэтика древнетюркской литературы и ее трансформация в раннеклассический период. – Москва: Наука, 1976. – С. 139-168; Тўхлиев Б. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1991., Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг»и ва айрим жанрлар тақомили. (Маснавий, тўртлик, қасида). – Тошкент:

ларнинг асарларида айрим масалалар таҳлил этилган. «Кутадғу билиг» асарини атрофлича ўрганиш ишида туркиялик олимларнинг ҳам ҳиссалари ниҳоятда катта бўлган¹. Рус туркологларидан Н.И.Ильминский дoston муқаддимасидан парча ва унинг таржимасини, В.В.Радлов асарнинг янги ва нисбатан мукамал нашрини амалга оширди, асарнинг тарихий-адабий манба сифатидаги алоҳида аҳамиятини биринчи бўлиб А.А.Валитова² кўрсатиб берган. «Девону луғотит турк» асарининг илк тадқиқотчиси ва ношири профессор А.Фитратдир. Олим асар таркибидаги барча шеърий парчаларни йиққан, уларни сўзма-сўз таржима қилиб, алоҳида луғат билан нашр эттирган. Шунингдек, тилшунос олим С.Муталлибов томонидан «Девону луғотит турк»нинг ўзбек тилига таржима қилиниб, айрим изоҳлар билан нашр этилиши (Тошкент, 1960-63) бугунги тадқиқотлар учун муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Академик А.Қаюмовнинг «Қадимият обидалари» (Тошкент, 1973) китобида ҳам «Девон»дан танланган шеърий парчалар ва мақолларнинг таржимаси ҳамда қисқача адабий таҳлилига ўрин берилган. «Ҳибатул ҳақойиқ» дostonи Ойбек, С.Муталлибов, Н.Маллаев, Қ.Маҳмудовлар томонидан ўрганилган ва таҳлил қилинган. Дostonдан айрим парчалар «Ўзбек адабиёти хрестоматияси» (1940), «Ўзбек поэзиясининг антологияси» (1948), «Ўзбек адабиёти» (1960), «Навоийнинг нигоҳи тушган...» (1986), «Қадимий ҳикматлар» (насрий баён, 1987) каби китоблар ва дарсликларда чоп этилган. 1971 йилда Қ.Маҳмудов «Ҳибатул ҳақойиқ» дostonини алоҳида китоб ҳолида нашр эттирган ҳамда 1972 йилда ўзининг «Ҳибатул ҳақойиқ» дostonи ҳақида» номли илмий тадқиқотини эълон қилган. Бу тадқиқот тилшунослик нуқтаи назаридан амалга оширилган ишлар сирасини ташкил этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация

МЧЖ «Асп матбуот», 2004. Ўлмас обидалар. (Ўзбекистон халқларининг қадимги ёзма ёдгорликлари бўйича тадқиқотлар). – Тошкент: Фан. 1989. «Кутадғу билиг»нинг поэтикаси масалалари. – Б. 307-411; Abdurahmonov A. Turkiy adabiyotning qadimgi davri. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2005. (Qadimgi turkiy adabiyotning janr xususiyatlari) – B. 127-129.

¹Köprülüzade M.F. Türk edebiyatında aşık tarzının menşelerei ve tekamülü.– Milli tatabbüler mecmuasi. 1331 (1914); Türk Edebiyatında ilk mutesevvuflar. –İstanbul, 1919. –S. 19-25; Nur, Riza. Türk Tarihi. C. II.–İstanbul, 1344 (1926). – S. 358; Fındıkoğlu F. On birinci asırda bir Türk mütefekkeri ve ahlâki düşünceleri. Cumhuriyet Halk Partisi. Yayın. Konferanslar; Ser, 2. Kitap, 7. – Istanbul: Eminönü Halkevi, 1938; Orkin N. Kutadgu Bilig hakkında.Varlık, sayı 177. –Ankara, 1940. – S. 196; Orkin N. Kutadgu Bilig hakkında.Varlık, sayı 177. – Ankara, 1940. – S. 196; Aran S. Türkün altın kitabı Kutadgu Bilig. –İstanbul: 1944; Arat R.R. Kutadgu Bilig. Tipki basım I. Viyana nushası. – Istanbul: 1942; Kutadgu Bilik. Tipki basım II. Fergana nushası, 1943; Kutadgu bilig. Tipki basım III. Mısır nushası, 1943; Dilacar A. Kutadgu Biliğın 900yıl dönümü (1069-1070) ve Balasagunlu Yusuf //Türk Dili. Sayı 211. Nisan, 1969. – S. 7-9.

²Ильминский Н.И. Вступительное чтение в курс турецко-татарского языка с приложениями. – Ученые записки Казанского университета за 1961. – Казань, 1862; Радлов В.В. Кутадғу билиг. Факсимиле уйгурской рукописи императорской и королевской придворной библиотеки в Вене. СПб, 1890, Radloff W. Das Kutatku Bilik das Jusuf-Chass-Hadscibus Balasagun. Theil. St. – Petersburg, 1891, Theil III. 1910; Валитова А.А. Юсуф Баласогунский и его «Кутадғу билиг» КСИБ, М.: 1952. – С. 56-63. К изданию критического текста и перевода «Кутадғу билиг»//КСИНА, XVII, 1961. – С. 77-88. О некоторых терминах в «Кутадғу билиг»//КСИНА. – М., 1963. – С. 111-121; Отражение в «Кутадғу билиг» легенды об Александре Македонском и нищем шахзаде//КСИНА.– С. 65. Сб. Памяти Е.Э.Бертельса. – М.: Наука, 1964. –С40-52; К вопросу о фольклорных мотивах в поэме «Кутадғу билиг»//Советская Востоковедение. 1958. – №5; О некоторых поэтических особенностях «Кутадғу билиг». – М.: Наука, 1960. – С. 12.

Самарқанд давлат университети мумтоз адабиёт тарихи кафедрасида ишланаётган “Алишер Навоий даври тарихи, маданияти ва адабий муҳити хусусиятлари” асосий мавзусининг “Адабий матншунослик масалалари” йўналиши бўйича бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади XI-XII асрлар туркий адабиёт мажозий тасвир поэтикасининг такомилли шу даврда яратилган «Девону луғотит турк», «Қутадғу билиг», «Ҳибатул ҳақойиқ» асарлари мисолида асослаб беришдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

туркий адабиётда (Билга хоқон, Тўнйуқук битиктоши, Ирқ битиги) илк мажозий тасвирларнинг яратилиши ва уларнинг ўзига хос бадиий хусусиятларини таҳлиллар орқали кўрсатиб бериш;

XI-XII асрда мажозий тасвир яратиш анъанасини ёритиш ҳамда рамзий сифатлаш, рамзий ўхшатиш, мажози мурсал, рамзий киноя, рамзий муболага каби мажозий тасвир турларининг бир-биридан фарқланувчи жиҳатларини аниқлаш;

«Девону луғотит турк»да кичик мажозий (масал) шеърларни таҳлил қилиш; «Қутадғу билиг»да ранг-тасвир мажози –рангларнинг рамз ўрнида келишини асослаш;

эски туркий ёдномалардаги қуш ва ҳайвонлар тасвири мажози, наботот олами тасвири мажози ва осмон жисмлари тасвири мажозини илмий таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида туркий адабиётда мажозий тасвир яратиш анъанаси қай даражада давом эттирилганлиги ва ўзига хослик, тасвирий воситаларнинг такомилли каби масалаларни илмий-бадиий жиҳатдан таҳлил этишда XI-XII асрларда яратилган «Девону луғотит турк», «Қутадғу билиг», «Ҳибатул ҳақойиқ» асарлари белгиланган.

Тадқиқотнинг предмети XI-XII асрлар туркий адабиётида мажозий тасвир поэтикаси, мажозийликни ҳосил қилувчи воситалар, рамз, мажоз орқали ифодаланган фикрлар таҳлили, ранг тасвири, қуш ва ҳайвонлар тасвири, табиат воқеа-ҳодисалари ва осмон жисмлари воситасида ифодаланган рамзий-мажозий талқинларни тадқиқ этиш ва шу давр мажозий тасвир яратиш анъаналарини, усулларини аниқлаш ташкил қилади.

Тадқиқот усуллари. XI-XII асрлар туркий адабиётида мажозий тасвир поэтикаси мавзусини тадқиқ этишда илмий кузатувнинг қиёсий-тарихий, назарий таҳлил ва илмий шарҳ методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

XI-XII асрлар туркий адабиётида рамзий-тасвирий воситалар ранг-баранглиги, мажозий-тасвирий воситалардан фойдаланиш анъанаси, давр руҳи билан мутаносиблиги, ижодкор мақсад қилган фикр ва қарашларнинг мажозийлик билан алоқаси очиқ берилган;

«Девону луғотит турк»да рангларнинг мажозий маъно англатишида халқ оғзаки ижоди намуналарида ифодаланган фикрлар рамзийлиги ҳамда «Қутадғу билиг»да рангларга янги-янги маънолар юклатилиб, ўзига хос оригинал рамзий тасвирлар яратишда муаллиф маҳорати аниқланган;

таҳлил этилаётган ёзма обидалардаги қушлар ва ҳайвонлар образлари, уларнинг ранги, ҳаёт тарзи, сийратидаги ҳушёрлик, шиддаткорлик ва бошқа шунга ўхшаш характерли белгиларини ифодалаш орқали турли характер-хусусиятга эга бўлган инсонлар рамзий ўхшатиш, рамзий сифатлаш, мажози мурсаллар орқали ифодаланганлиги ҳамда ҳайвонлар ва қушлар поэтикаси асосида турли характердаги инсон тасвирининг яратилганлиги асосланган;

туркий адабиёт намуналарида фасллар, табиат ҳодисалари, наботот оламининг ўз ҳаракат-хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда муаллифга рамзий образ, рамзий фикр англатувчи тасвир яратишга асос бўлгани ва улар яхши ва ёмон инсонлар, дўст ва душманларнинг рамзий тасвирини яратишга восита бўлиб хизмат қилиши далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

қадимги давр, яъни XI-XII асрлар туркий адабиётимажозий тасвирий воситаларитаҳлил ва талқинлари, мажозий образлар поэтикаси ва уларнинг ҳаёт билан боғлиқ жиҳатларига доир янги илмий маълумотлардан ўзбек адабиёти тарихи, адабиёт назарияси билан боғлиқ тадқиқотлар ва методик ишлар яратишда қўл келиши далилланган;

туркий адабиётда мажозий тасвир поэтикасининг бугунги кун ўқувчиси дунёқараши, тафаккурини шакллантириш ва ривожлантиришга ҳамда жамиятнинг ахлоқий-эстетик ва маънавий-маърифий юксалишидаги аҳамияти очиқ берилган.

туркий адабиётда мажозий тасвир воситалари бўйича тўпланган материаллар, қўйилган муаммоларни тадқиқ этиш натижасида чиқарилган хулоса ва умумлаштирилган фикрлар ўзбек адабиёти тарихи учун энг муҳим зарурий, илмий маълумот бериши, адабиётшунослик бўйича тадқиқотлар яратишда манба бўлиб хизмат қилиши, адабиёт назарияси, адабиёт тарихи фанларини ўқитишда амалий жиҳатдан ёрдам бериши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда муаммонинг аниқ қўйилганлиги, адабиётшуносликнинг энг сўнгги илмий ютуқлари асосида матний-қиёсий ва таҳлилий-қиёсий усуллар ёрдамида ечилганлиги, «Девону луғотит турк», «Қутадғу билиг», «Ҳибатул ҳақойиқ» асарлари асосида амалга оширилган рамз ва мажоз поэтикаси хусусиятлари таҳлилида ушбу асарларнинг СамДУ АРМининг «Шарқ қўлёзмалари» бўлимида сақланаётган қўлёзма нусхаларидан фойдаланиб, илмий натижа ва хулосалар чиқарилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган назарий хулосалар ҳозирги кунда ўзбек филологиясида долзарб бўлиб турган мажозий тасвир воситалари, уларнинг шаклий хиллари, мажозий тасвир, образ ҳосил қилувчи воситаларнинг хусусиятлари, ранг тасвири, қуш ва ҳайвонлар тасвири, наботот ва осмон жисмлари тасвири мажозини ҳосил қилишда ижодкор дунёқарашининг ўзига хосликлари бўйича мавжуд маълумотларни кенгайтиради ва тўлдиради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар XI-XII асрлар туркий адабиёти мажозий тасвир поэтикаси бўйича

луғатлар яратишда, мажозийликни ҳосил қилувчи рамзий ўхшатиш, рамзий сифатлаш, рамзий муболаға, рамзий киноя, мажози мурсал каби тасвирий воситаларни муфассал таҳлил қилишда ҳамда бадиий асар мазмунини тўғри англашда манба бўлиб хизмат қилади. Тадқиқот материалларидан олий ўқув юртлири учун қўлланмалар яратиш, битирув малакавий ишлари, магистрлик диссертацияларини ёзишда, академик лицейларда туркий адабиётда мажозий тасвир масаласи бўйича маърузалар ўқишда, ихтисослик фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

XI-XII асрлар туркий адабиётида мажозий тасвир поэтикасининг бадиий талқинини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар куйидаги ишларда жорийланган:

мажозий тасвир ва рамзлар хусусидаги амалий натижалардан ОТ-Ғ8-027-рақамли “Қўлёзма манбаларнинг миллий-маънавий ва адабий мерос тарғиботидаги аҳамияти” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 10 апрелдаги 89-03-1357-сон маълумотномаси). Олинган илмий-назарий натижаларнинг қўлланилиши Шарқ мумтоз адабиётида XI-XII асрлар бадиий тафаккури нуқтаи назаридан, ассоциатив тарзда, табиат ҳодисалари, наботот ва ҳайвонот дунёси, осмон жисмлари ёрдамида ифодаланган рамзий тасвирларнинг поэтик хусусиятларини очиб беришга хизмат қилган.

туркий адабиётда мажозий тасвир поэтикаси, мажозийликни ҳосил қилувчи воситаларга оид хулосалардан Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг “Мингта ўғит” теледастурида “Бобур ғазалларида ранг-тасвир мажози” мавзусидаги кўрсатувни эфирга тайёрлашда фойдаланилган (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2018 йил 22 июндаги 09-01/300-сон маълумотномаси). Натижада, кўрсатув орқали телетомошабинларга ранг-тасвир мажози, рамзийлик ва мажозийликни ҳосил қилиш йўллари, мажозий талқинни тўғри англаш хусусида маълумотлар беришга кўмаклашган.

мажозий тасвирнинг ўзига хос жиҳатлари, уларнинг қадимги туркий адабиётда қўлланилиши, рамз, аллегория, рамзий сифатлаш, рамзий ўхшатиш, рамзий киноя, рамзий муболаға, мажози мурсал каби кўчимларни ҳосил қилувчи воситаларининг хусусиятлари ҳақидаги хулосалардан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилоят ҳудудий бўлинмаси қошидаги «Садоқат» ижодий тўғараги семинар йиғилишларида фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2018 йил 18 июлдаги 01-03/950-сон маълумотномаси). Илмий хулосаларнинг амалиётда қўлланилиши тўғарак аъзолари бўлган ёш ижодкорларнинг бадиий асар яратиш жараёнида энг муҳим жиҳатларидан бири мажозийликни ҳосил қилувчи тасвир воситалари эканлигини теранроқ англашларига кўмаклашган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот иши Самарқанд давлат университети мумтоз адабиёт тарихи кафедрасида муҳокама қилиниб, тугалланган иш сифатида ҳимояга тавсия этилган. Мазкур тадқиқот

натижалари 3 та халқаро ва 5та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси юзасидан жами 19 та иш, жумладан, диссертация мавзуси бўйича 1та монография, ОАК эътироф этган журналларда 4 та, хорижий журналларда 3та мақола нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 162 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предмети ва объекти аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Адабиётда мажозий тасвир ва бадиий ғоя**” дея номланади. Боб тўрт фаслга ажратилиб, унинг биринчи фаслида «Мажозий тасвир ва унинг шаклий хиллари» ҳақида сўз юритилади.

Бадиий адабиётда мажозийлик адабиётнинг ўзи каби қадимийдир. Мажозийлик сўз санъати сифатида шу адабиётнинг пайдо бўлиши билан туғилган. Мажозийлик барча халқлар адабиётига хос бўлган хусусиятдир. Мажозийлик фикрни шартли нарса-ҳодисалар орқали яширин ҳолатда ифодалаш қонуниятига асосланган бадиий санъат туридир.

Ҳозиргача яратилган кўпгина дарслик ва ўқув қўлланмаларда, энциклопедияларда кўчма маъно ифодаловчи символ, рамз, аллегория, метафора, метонимия, синекдоха, истиора каби бадиий тасвирий воситалар ҳақида гапирилиб, уларга маълум таърифлар келтирилади¹.

Умуман олганда, дарслик ва қўлланмаларда келтирилган таърифларда символ, рамз, аллегория, метафора, метонимия, истиора ва ҳ.к. кўчимлар ҳосил бўлиш усулига кўра бир-бирига ўхшаш ёки бир-биридан биров фарқли равишда таърифланмасин, моҳият, вазифа нуқтаи назаридан бир хил, яъни ўз маъносидан бошқа кўчма маънода ишлатиладиган сўз ва сўз бирикмаларидир. Демак, бадиий адабиётда сўз ва сўз бирикмаларини, нарса ва ҳодисаларни ўз маъносидан бошқа маънога кўчириб ишлатиш мажоз деб

¹Қаранг: «Ўзбек миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти. – Тошкент: Фан, 2004. – №5. – Б. 383. – №7. – Б. 247. Шукуров Н., Ҳотамов Н., Холматов Ш., Маҳмудов М. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Фан, 1984. – Б. 136. Хотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б. 26. Бобоев Т. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Фан, 2004. – Б. 323-354. Xudoyberdiyev E. Adabiyotshunoslikka kirish. – Toshkent: Iqtisod-moliya, 2007. – B. 112. Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1967. – Б. 69.

юритилади. Метафора, метонимия, синекдоха, аллегория яъни, рамзий ўхшатиш, мажози мурсал, рамзий сифатлаш, рамзий киноя, истиора ва ҳ.к. шу каби кўчимлиликни ифодаловчи тасвирий воситалар мажознинг кўринишларидир.

«Тожиқ адабиёти ва санъати қомуси»да Маҳмуд Омилий мажознинг бешта турини асослаб кўрсатгани қайд этилади. Булар: 1) ҳақиқатни ҳаққоний ифодалаш учун сўз мавзуга айланади. Масалан, «Оёқ яланг» сўзи худди шундай юрмаган кишига нисбатан мажоздир; 2) луғавий мажоз бўлиб, яъни асл маънодан ўзгача маънони берадиган сўздир. Масалан, агар «қўл» дейилса, куч-қувват, қудрат, неъмат маъносини беради; 3) ўхшаши йўқ ўхшашлик ёки ташбеҳсиз ташбеҳлар бўлиб, уни истиора деб атайдилар. Шу сабабли истиора мажознинг бир туридир. «Сарв», «Ой», «Наргис», «Занжир» сўзлари «кад», «юз», «кўз», «зулф» ўрнида қўлланилади; 4) бу ҳам луғавий мажоз бўлиб, унда муҳокама маъносидан бошқача тарзда изоҳланади. Аммо бу ҳол муҳокамадан юзага келади. Ушбу мажозга мурожаат этиш тафаккур ҳукмидандир. Масалан, «Халифа топшириғи билан ўт ўсмайди». Маълумки, ўт табиат ҳукми билан ўсади ва мажоз бўлади¹. «Ғиёсул луғат»да ҳам «ҳақиқатга қарши ва ўз маъносидан бошқа маънода ишлатиладиган сўз, ҳақиқий маъно яширинган бўлиб, ўзгача маъно касб этади»ган² сўзлар умумий номда мажоз деб аталган.

Бадиий адабиётда мажозни фақатгина метонимия, истиора, метафора, аллегория каби воситалар натижасида ҳосил бўлган сўз ва сўз бирикмалари ташкил этмайди. Мажоз воситалари асосида бадиий адабиётда бутун бир яхлит асарлар яратиш анъаналари мавжуддир. Фаридуддин Атторнинг «Мантикут-тайр», Алишер Навоийнинг «Лисонут-тайр», Амирийнинг «Банг ва чоғир», Яқинийнинг «Ўқ ва ёй», Аҳмадийнинг «Созлар мунозараси», Гулханийнинг «Зарбулмасал» каби йирик асарлари мажозийлик қонунияти асосида яратилган.

Мажозийликнинг муҳим шарт ҳисобланган бу тасвир воситаларининг ўзбек поэзиясида пайдо бўлиши қадимий бўлиб, бунинг ёрқин ифодасини Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорлигида кўришимиз мумкин. Б.Тўхлиев Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари тадқиқига бағишланган ишларида туркий поэзияда мажозий тасвир воситаларининг баъзи томонларини кўрсатиб ўтади ва дoston «ҳаётий ўхшатиш ва лўнда истиоралар, таъсирчан тамсиллар ҳамда мўъжаз рамзлар билан зийнатланган»³, деб ёзади.

Ушбу фаслда мажозий тасвирни ҳосил қилувчи рамзий сифатлаш, рамзий ўхшатиш, мажози мурсал, рамзий муболаға, рамзий киноя каби турлари ҳақида мажозийлик қонунияти нуқтаи назаридан фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Бобнинг иккинчи фасли «Ислomгача бўлган туркий адабиётда мажозийлик» деб номланади. Ушбу фаслда мажозийликнинг илк

¹ Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҷик. Иборат аз III чилд. Чилд II. – Душанбе, 1989. – С. 232.

² Муҳаммад Ғиёсиддин. Ғиёсул луғот. Иборат аз се чилд. Чилд I. Алиф-Шин. – Душанбе: Адиб, 1987. – С. 691-692.

³ Тўхлиев Б. Билим – эзгулик йўли. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 32-53.

кўринишлари, туркий адабиётдаги илк манбалари мисоллар асосида таҳлилдан ўтказилган. И.В.Стеблева тош битикларни «Тарихий қахрамонлик поэмалари»¹ деб таърифлайди. Н.Раҳмонов эса бу фикрни қувватлайди ва «Култегин ёдномасининг поэтикаси» тадқиқотида қабр тошларидаги битикларда рамзий маъно берувчи сўзлар ҳам борлигини таъкидлаган².

Кул тегин ёдгорлигида мажозий тасвирнинг сўз ва сўз бирикмаларида рамзийликка эришишнинг бир неча шакллари мавжуддир.

1. Қадимий мифология билан боғлиқ мажозлар. Худони юксакликда, айна пайтда, одам қиёфасида тасаввур этиш қадимги мифологияга хос хусусиятдир. Кул тегин ёдгорликларида «осмон», «фалак» худонинг рамзи сифатида кўринади. Инсон эса худонинг болалари деб тушунилган. Кул тегин ёдгорлигидаги кичик ёзув шундай бошланади:

Тэнгри тэг тэнгрида бўлмыш Турк билга қаган одқа олутум³(КТ.46).

Фалакдай худодан бўлган турк доно ҳоқони бу тахтга ўтирдим.

2. Истиора ҳамда киноя воситасида ифодаланган мажозлар. Ёдномагача яратилган асарларда, хусусан, «Авесто» ва юнон масалчилигида бўри – ёвузлик, зўравонликнинг, қўй – ожизликнинг рамзи сифатида кўрсатилган⁴. Ёдномада бўри образига янгича мазмун билан ёндашилганлигини кўрамиз. Бўри – кучлилик, ботирликнинг белгиси сифатида тасаввур этилган.

*Тэнгри куч биртук учун қангым қаган суси бўри тэг армис,
йагысы қўйтэг армис.*

Илгэру қурыгару сулап турмыш қамугы (КТ.50).

Тангри куч бергани учун отам ҳоқоннинг лашкари бўридай экан. Шарққа Ғарбга лашкар тортиб, одам йиғибди, оёққа турғизибди.

Бу ўринда бўрига ижобий нисбат берилишининг ҳам маълум ижтимоий асослари мавжуд. Чунки қадимги туркий халқларнинг мифларида туркларнинг Ашина уруғи бўридан тарқалган. Зотан, «Ўғузнома»да бўри енгилмас кучнинг мажози сифатида берилган. У Ўғуз ҳоқоннинг қўшинига бошчилик қилиб, ҳар бир жангда ғалабага эришиши мажозийликнинг ана шундай белгисидир.

Ёдномада ўт сўзига ҳам рамзий маъно юклатилган. Маълумки, диний мифологияда Худо дастлаб тўрт унсурни: ўт, сув, ер, шамолни яратган. Мифологияда, диний адабиётларда ўт салбий маънода нафс, киборлик, таъмагирлик, ҳасадгўйликнинг рамзи сифатида қўлланилган. Ёдномада ҳам ўт ёмонлик ва ёвузликнинг белгиси сифатида кўринади.

*Иним Кул тегин бирла, акишад бирла ўлу йиту қазгантым,
Анча қазганып, бирики бодунуг от суб қылмадым (КТ.53).*

¹ Стеблева И.В. Поэзия тюрков VI-VIII веков. – Москва: Наука, 1965. – С. 61.

² Исҳоқов М. ва бошқалар. Ўлмас обидалар. – Тошкент: Фан, 1989. – Б. 147.

³ Ушбу парча ва унинг таржимаси Н.Раҳмоновнинг «Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари» (Тошкент: Фан, 2003) 1-жилдидан олинди. Бундан кейинги парчалар ҳам шу китобдан бўлиб, саҳифаси мисралардан сўнг қавс ичида кўрсатилади.

⁴ Гаспаров М.Л. Античные литературные басни. – Москва: Наука, 1971; Радиг С.И. История древнегреческой литературы. Пятое издание. – Москва: Наука, 1982. – С. 31. Басни Эзопа в переводах. Л.Н.Толстого. – Тула. 1985. Эзоп. Масаллар. – Тошкент: «Академнашр», 2011. – Б. 88.

Иним Кул тегин билан, иккимиз ўлиб-тирилиб муваффақият қозондим, шу хилда қозониб, бирлашган халқни бир-бирига *ўт – сув* қилмадим.

Ўрхун-Энасой ёдгорликларида берилган мажозий тасвирлар қадимги туркий халқлар тафаккур бойлигининг маҳсулидир. Шундай экан, туркий халқ адабиётининг рамзийлик тарихи, рамзийликни ҳосил қилувчи воситалар ислом истилосигача бўлган адабиётда туғилди, шаклланиш босқичига кирди.

Ишнинг учинчи фасли «Мажозий тасвирларнинг «Девону луғотит турк»даги талқини масалалари»деб номланиб, бунда девондаги мажозий характерга эга бўлган кичик масаллар таҳлил қилинган. Девондаги кичик масаллар мавзу доирасининг кенглиги, ранг-баранглиги, образлар тизимининг бойлиги, шунингдек, ўзига хос шаклий хусусиятларга ҳам эга эканлиги билан ажралиб туради.

Девонда кўзга ташланадиган кичик мажозий шеърларнинг энг биринчиси мунозара хусусиятига эга. Маълумки, мунозара жанри Шарқ адабиётида, жумладан, ўзбек адабиётида анча аввал пайдо бўлган ва ўзининг етук намуналарига эга бўлган жанрлардан ҳисобланади. Туркий адабиётдаги қадимги жанрларнинг ўзига хос хусусиятлари адабиётшунос А.Абдурахмонов тадқиқотларида умумлашма хулосалар билан баён этилган¹.

Ашич ајур: тўбўм алтун,

Қозон айтур: тубим олтин,

Қаміч ајур: мэн қаждаман?(ДЛТ.І. 86) Чўмич айтур: мен қайдаман?

Ушбу мажозий шеър кичик масалнинг яхши намунаси бўла оладими, у ўзбек адабиётида масал жанри қайси шаклда бўлмасин, жуда эрта юзага келганлигини ойдинлаштиради. Масал мунозара шаклига эга бўлиб, унда Ашич (Қозон) ва Қамич (Чўмич) образи келтирилган. Бу икки образ мажозий хусусиятига кўра ҳаётдаги маълум бир типларнинг қиёфасини очади. Қозон ва Чўмич ҳаётда ёнма-ён яшайдиган, бирга ишлайдиган, ҳар бир ютуқ ва камчиликни бирга бажарадиган кишиларнинг образидир. Шу сабабли ҳам улар бир-бирининг сирини, аҳволини яхши билади. Масал-мунозарада Қозоннинг сўзида мақтанчоқлик қилаётган, ўзини юқори чоғлаётган кишини кўрамыз. У ўзини олтинга тенглаштиради, танасини олтин дейиши билан, ҳаётда ўз мавқеини юқори кўтаришга уринади. Бу билан чўмични камситмоқчи, ўзини юқори чоғламоқчи. Лекин табиий ҳолатда қозонда бор нарса, қандай овқат пишса, у чўмич орқали рўёбга чиқади. Бас, шундай экан, чўмич ҳам қозон билан тенг даражада ва тенг ҳуқуққа эга бўлган шахснинг образини яратадиган мажозий образдир. Масал ўзининг ўқувчига ҳавола этилган ҳукмига, ибратомуз хулосасига ҳам эга. Демак, ўзининг кимлигини биладиган кишилар олдида мақтанма, сиринг фош бўлади, деган мантиқий ҳукм масалдаги мажозий образлар мунозарасига сингдирилгандир.

Девондаги масаллар ҳаётий воқеалар ва инсонга хос турли хил кечинмаларни ифодалашда ранг-баранг мажозий образлардан, жумладан, *бўри, тулки, қўзи, арслон, туя, от, илон, қарга, айиқ, балиқ, товуқ, қирғовул* каби ҳайвонлар ва *кушлар, шунингдек, қозон, чўмич, осмон, булут, чақмоқ,*

¹Абдурахмонов А.Туркий халқлар адабиёти. Монография. – Самарқанд: СамДУ,2007. – Б. 155.

момақалдиروق, кўприк каби жонсиз предметлардан фойдаланилганлигини кўрсатади¹.

Бобнинг тўртинчи фасли «Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғоний шеъриятида мажозий тимсолларнинг исломий талқини» деб номланади. Ушбу фаслда биз ислом дини таъсирида бадий ифодасини топган мажозий тасвирларни Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғонийлар ижоди мисолида тадқиқ этамиз.

«Хожа Аҳмад Яссавий равон ва содда тилда айтган ҳикматларида солиқларни тариқат одобларига риоя қилишга, нафсни тийиб доимо унинг ҳавойи истакларига қарши курашишга, маънавий-ахлоқий жиҳатдан комил бўлишга, Ҳақ ишқи йўлида риёзат чекишга ундайди», - дейди Нодирхон Ҳасан².

Ҳақиқатан, шоирнинг ушбу мисраларида фақат Аллоҳ зикри билан юрган одамнинг нафсини енгиб, ҳақни танигани қуйидагича тасвирланган:

Ўшал вақтда минг бир зикрин қилдим тамом,
Нафсим ўлиб ломаконга ошдим маъно (АЯҲ.45).
Ҳақпарастлар макониға маҳрам бўлдим,
Тиги ботин бирла нафсни янчдим мано (АЯҲ.47).

Бунда *нафсим ўлиб* – нафсни енгиш, *Тиги ботин* бирла *нафсни янчдим* – ҳақиқат тиғи билан нафсни янчмоқ. Бунда *ботин* – ҳақиқат, *тиг* – кесувчи буюм. Яъни, ҳақни таниш орқали нафсни енгиш «*Тиги ботин* бирла *нафсни янчдим*» шаклида поэтиклашган.

Ошиқлик шундай бир мазҳабки, унда бировга озор бериш қатағондир. Бу пайғамбаримиздан қолган:

Ғариб, фақир етимларни кўнглин овлаб,
Кўнгли қаттиқ халойиқдин қочдим маъно (АЯҲ.41).
Суннат эрмиш, кофир бўлса, берма озор,
Кўнгли қаттиқ дилозордан худо безор (АЯҲ.47).

Юқоридагилардан кўринадики, "Девони ҳикмат" асосан ислом дини ғоялари, шариат ҳукмлари, пайғамбаримиз суннатлари ва яссавия тариқати билан боғлиқ мавзуларни қамраб олган ва уларни кенг халқ қатламлари орасига олиб киришни бош мақсад қилиб қўйган. Бунда фикрни бадий ва таъсирчанлигини оширишда рамзий ўхшатиш, мажози мурсал, рамзий сифатлаш каби тасвир воситаларидан унумли фойдаланилган.

Сулаймон Боқирғонийнинг «Нўъмон қиссаси» шеърий асарида мунозара усулидан фойдаланиш орқали рамзий фикрлар берилган. Сўнгги воқеалар қаҳрамонларнинг руҳий кечинмаларини очувчи мунозара ва айни пайтда рамзий тасвирлар орқали берилган. Бу қиссада мунозара икки хил усулда намоён бўлган: қаҳрамонларнинг бир-бири билан мулоқоти, савол-жавоби ҳамда уларнинг ўз-ўзи билан руҳий кечинмалари орқали суҳбати. Ота қизининг оғзи, кўзи, тили, қўли, оёғи йўқ, деб айтиши рамзийлик касб этган. Бу рамзийликнинг маъноси йигитнинг кескин норозилигидан сўнг, отанинг

¹ ХолматовШ. Ўрта Осиё халқлари адабиётида масал жанри. – Самарқанд: СамДУ, 1989.– Б. 31-32.

² Нодирхон Ҳасан. Яссавийликка доир манбалар ва «Девони ҳикмат». – Тошкент, 2012. – Б. 147.

жавоби тарзида очилади. Тили йўқлиги – фиску фасод сўзларни билмаслиги, айтмаслиги, кўзи йўқ – бегоналар билан суҳбат курмагани, номахрамларни кўрмагани, оёғи йўқ – ёмон ишларга юрмаганлигининг рамзи сифатида айтилган.

Ишнинг иккинчи боби «Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» достонида мажозий тасвир поэтикаси» деб номланиб, икки фаслдан таркиб топган. Биринчи фасл «Достонда ифодаланган ранглар тасвири таҳлили» деб номланади. «Қутадғу билиг», «Девону луғотит турк» асарларида оқ, қора, қизил, яшил, сариқ каби бир неча рангларнинг рамзий тасвирларда ўз ифодасини топганлигини кўрамыз. Боқижон Тўхлиев «Қутадғу билиг»да тасвирланган рангларни таҳлил этаркан, асарда рангларга юклатилган маънолар кўп қирралилигини таъкидлайди, ранглар билан алоқадор бўлган предмет, ҳодисаларни чуқур мушоҳада қилади, алоқадорлик сабабларини аниқлайди, ранглар англатган мажозий маънолар илдизи қадимги мифларга бориб тақалишини айтади ва бу маъноларнинг моҳиятини ёрқин талқин қилади¹. Ҳақиқатан ҳам, достонда ифодаланган ранглар мавзу кўламига қараб бир-бирига зид равишда турли хил кўчма маъно, фикрларни беришга хизмат қилдирилган. Буни биз таҳлилда яна аниқроқ кўришимиз мумкин. «Қутадғу билиг»да ранг тасвири билан боғлиқ мажозий маъно, мажозий образни ифодалаб келган байтларни кузатар эканмиз, бунда шоир кўпинча оқ ва қора, қизил ва яшил рангларни ўзаро қарама-қарши қўйган ҳолда маълум ижобий ва салбий хусусиятга эга бўлган мажозий фикрлар ва образлар тизимини яратади. Масалан, *қора бош* (ипор) ва *оқ бош* (кофур) (ҚБ.721,936), *қора қузғун* ва *оқ қуш туси* (ҚБ.216,828) ёшлик ва кексаликнинг ифодасини англатиб келади, *қизил қизгин юзнинг ям-яшил* бўлиши (ҚБ.390) (рамзий сифатлаш) эса тириклик ва ўлимнинг рамзий ифодасини англатишга хизмат қилган.

Достонда *оққуш* рамзий образи алоҳида аҳамият касб этади. Шоир бахтомад, орзуга етишиш, мартабага эришишни «оқ қуш» тутиш рамзи орқали беради. Жумладан, Б.Тўхлиев шундай ёзади: «...бу образ туркий халқларнинг жуда қадимий урф-одатлари ҳамда тасаввур-эътиқодлари, ишончлари билан алоқадор. Оқ қуш образи тилак-мақсадларни рўёбга чиқаришда восита рамзи сифатида амал қилади»².

Достонда инсоннинг тилга эътиборсизлиги қизил ранг воситасида кинояли кўчим ҳосил қилган. Бундай кўчимда инсонни айтиладиган сўзга масъулиятли бўлишга чақириш ҳисси мавжуд: *Қызыл тил қылул қысга йашлыгсэни, Эсэнлик тилэсэ қатыг ба анны* (ҚБ.196), *Қизил тил* сени қисқа ёшлик қилади, Эсон бўлайин десанг, сен уни қаттиқ боғла. Бу ерда қизил тил дейилганда тилнинг ранги эмас, балки ёмон, ёлғон сўзни сўзлайдиган тил назарда тутилади³. Сариқлик инсон умридаги сўниклик, тушкунлик, ғамгинлик, шармандаликнинг белгиси сифатида қўлланилади. Буни Б.Тўхлиев ҳам «Шарқ халқлари адабиётида қизил юз ёшликнинг, сариқ юз эса

¹Тўхлиев Б. «Қутадғу билиг»да ранг рамзига доир//Ўзбек тили ва адабиёти, 2001. – №3. – Б. 34-38.

²Тўхлиев Б. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1991.– Б. 49.

³Қаранг: Тўхлиев Б. «Қутадғу билиг»да ранг рамзига доир//Ўзбек тили ва адабиёти, 2001. – №3.– Б. 34-36.

кексаликнинг, айна пайтда, дард ва аламга, қайғу-ғамга мубталолик рамзи», деб таъкидлайди¹. Умуман, олганда сариқ ранг яхшиликка нисбатан зид маъно берадиган сифатлашдир.

«Қутадғу билиг», «Девону луғотит турк» асарларидаги ранглар асосида ифодаланган рамзий тасвирларда кўпроқ инсон ҳаётидаги реал воқелик ўз ҳолича, бўрттирилмаган ҳолда тасвирланган бўлса, кейинги давр адабиётида ранглар орқали кўпроқ ошиқ тарзи ўта муболағали тарзда ифодаланганлигини кўрамыз.

«Достонда ифодаланган қуш ва ҳайвонлар тасвири таҳлили» деб номланувчи фаслда «Девону луғотит турк» ва «Қутадғу билиг»да қушларнинг маълум хатти-ҳаракатлари орқали ҳар хил характердаги одамларнинг мажозий образи таҳлил қилинади.

«Қутадғу билиг»да қушлар мажози алоҳида аҳамият касб этиб, бунда айниқса, ушбу бадиий деталь достоннинг ғоявий-эстетик қимматини ошириш, тасвирланаётган воқеликнинг моҳиятини чуқурроқ очиш, қаҳрамонларнинг ички дунёси, яхшилик ва ёмонликка асосланган фазилатларини образли гавдалантириш каби мақсадларга бўйсундирилган. Асарда қушлар рамзи уч хил кўринишда намоён бўлади:

1 *Қушлар галаси, тўдасининг тасвири.* Бундай тасвирларда бир киши эмас, балки бир неча, айрим ҳолларда кўплаб кишилар, яъни халқ ёки гуруҳнинг образи умумлашади;

2. *Ўз кўриниши, сайраши, инсонга зарари ёки фойдаси нуқтаи-назаридан ижобий хислатга эга бўлган қушлар.* Бу хил қушлар тасвирида ҳаётдаги ижобий инсонларнинг образи умумлашади.

3. *Кўриниши, овози ёқимсиз, инсонга кўпроқ зарари тегадиган қушлар.* Бу хил қушлар тоифасига ҳаётдаги салбий гуруҳларнинг образи умумлашади.

Демак, достонда қушлар орқали инсонларнинг рамзий тасвирини яратишда қушларнинг характер-хусусиятлари, хислат, ҳаракатларига асосланилган.

